
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда “Туманимизда бир йил ичида 3 та катта ёнғин содир бўлди” деб номланган хабар тарқалди.

Жорий йилнинг 24 декабрь куни соат 03:27 да Ўзбекистон тумани “Бозор Яйпан” МФЙ Туркистон кўчасида жойлашган савдо дўконларининг биринчи ва иккинчи қаватида жами 80 м². майдонда ички ва том қисми [ёнган](#).

Ёнғин-қутқарувчилар воқеа жойига соат 03:37 да етиб бориб, 03:40 да ёнғин ўраб олиниб, 04:10 да тўлиқ ўчирилган. Ёнғиндан савдо дўконларининг 300 м². майдони сақлаб қолинган.

Ҳозирда ёнғиннинг сабаби ва етказилган зарар миқдори аниқланмоқда.

Содир бўлган ёнғинда жабрланганлар ва куйганлар мавжуд эмас.

Ёнғиннинг тахминий сабаби, электр қурилмаларини назоратсиз қолдириш натижасида келиб чиққан.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси огоҳлантиради!

Юқоридаги каби ҳолатларни олдини олиш мақсадида, электр қурилмаларини назоратсиз қолдирмаслик, тунги вақтларда турли қурилмаларни (музлатгич, кондиционер, иситич печлари в.х) ёниқ қолдирмаслик тавсия этилади.

Фарғона вилояти ФВБ Матбуот хизмати

2021-12-28 19:43:40